**Ўзбекистон халқаро ислом академияси**
**Исломшунослик ва ислом цивилизациясини ўрганиш**
**ICESCO кафедраси**

# «ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ИСЛОМНИ ТУШУНИШ МУАММОЛАРИ»

**мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари**

## ТЎПЛАМИ

## II-III

"HILOL MEDIA" НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ - 2023

**УЎК: 28-316.32(042)**
**КБК: 83.38**
**Г 53**

Глобаллашув жараёнида исломни тушуниш муаммолари: халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. II-III./тўплам/ масъул муҳаррирлар З.М.Исломов, М.М.Ҳайдаров. – Тошкент: HILOL MEDIA, - 264 б.

*Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг “Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда халқаро ва республика миқёсида ўтказиладиган илмий ва илмий-техник анжуманлар режаси тўғрисида”ги 2023 йил 2 майдаги 118-сон буйруғи, Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2023 йил 8 майдаги 03-03/3487- хати ва Ўзбекистон халқаро ислом академияси ректорининг 2023 йил 11 майдаги “2023 йил республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий анжуманларни ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги 01-65-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида 2023 йил 27 сентябрда Ўзбекистон халқаро ислом академиясида “**Глобаллашув жараёнида исломни тушуниш муаммолари**” мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман ўтказилди.*

*Мазкур тўплам ушбу анжуман материалларини ўз ичига олган.*

**Масъул муҳаррирлар**
Фил.ф.д., проф. З.М.Исломов, PhD М.М.Ҳайдаров

**Таҳрир ҳайъати аъзолари:**
ю.ф.д., проф. Н.Юсупова, т.ф.н., доц. Д.Раҳимжонов, т.ф.н., доц. М.Исмоилов, PhD доц. Ҳ.Сагдиев, т.ф.н., доц. Д.Муратов, ўқитувчи А.Қамбаров, PhD Ў.Полвонов, PhD Н.Тўраев, PhD С.Саиджалолов, PhD М.Агзамова, PhD Н.Ҳакимова, PhD Н.Тўйчиева

**Тузувчи:**
PhD С.Саиджалолов

*Тўпламга киритилган материалларда келтирилган факт, рақам ва маълумотлар учун муаллифларнинг шахсан ўзлари масъулдирлар.*

*Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг 30.10.2023 йилдаги 03-07/8044-сон хулосасига асосан нашрга тайёрланди.*

**ISBN 978-9910-9458-7-8**

© Ўзбекистон халқаро ислом академияси, 2023
© “Hilol Media”, 2023

қатъийлик ва ҳаётда покдомонлик билан ҳаммани орасида хайрихоҳлик ҳамда ҳурмат уйғотган муҳаммадийлик, беозорлику меҳрибонликни тарғиб қилувчи ва инсонларнинг ҳаёту момоти Худонинг қўлида эканлигига асосланган бошқа таълимотлар кабу у қадар кенг тарқалмади" дейди.

"Қуръонга кирмаган Муҳаммаднинг сўзлари" номли китобда Толстой 95 га яқин Муҳаммад (САВ) ҳадисни киритган. Толстой танлаган кўплаб ҳадислардан рус мутафаккири нима учун уларга диққат қаратганини тушуниш учун баъзиларини келтириш мумкин. Масалан: "Ўзига раво кўрган нарасани биродарига раво кўрмагунча ҳақиқий мўмин бўлмас...", ёки "Худо ақлдан яхшироқ, мукаммалроқ ва гўзалроқ нарсани яратмаган. Одамларга нимаики яхшиликни берган бўлса, шу ақл учун берди, мана шу ақл орқали Худони таниш содир бўлади". Лев Николаевич бу ҳадислар маъноларини ўзининг "Дин нима ва унинг моҳияти нимада?" («Что такое религия и в чем сущность ее?») номли асарида топганлигидан алоҳида бир китоб шаклига келтирганлигини англаш мумкин.

Юқорида "Конечной инстанцией любого разумного человека является ислам" (Ҳар қандай оқил инсоннинг охирги тўхтайдиган нуқтаси исломдир) деган Толстойга нисбат берилаётган жумлани ўрганиб чиқилса, бу иборалар Лев Николаевчининг бирон-бир асари ва мақоласида йўқлигини ёзувчи ҳаёти ва илмий мероси билан чуқур шуғулланганган мутахассилар таъкидлайдилар. Уларнинг фикрига кўра, бу - исломга тарғиб қилувчи кишиларнинг танилган шахсларга ўйлаб топилган жумлаларни нисбта бериш орқали чақириш усулбларидан бири ҳисобланади.

Келтирилган маълумотлардан шуни хулоса қилиш мумкин-ки, Толстой, ўзининг вафот этиш йили арафасида ёзган "Қуръонга кирмаган Муҳаммаднинг сўзлари" китобининг муқаддимасида келтирган қарашлари ҳамда унга нисбат берилган ислом борасидаги фикрлар тўқима эканлиги инобатга олиб, Лев Николаевич омма мусулмонлар орасида "Толстой мусулмон бўлган экан..." каби айланиб юрган фикрлар асоссиз эканлиги аён бўлади. Пайғамбар Муҳаммад (САВ) ҳадисларидан тўпланган китоб эса, юқорида айтиб ўтилгандек, Толстой таълимотида келтирилган бешта тамоилга тўғри келганлиги нуқтаи назаридан ҳикматли сўзлар жамланмаси сифатида тузулганлигини кўриш мумкин.

***Д.М. МУРАТОВ***
*Ўзбекистон халқаро ислом академияси,*
*тарих фанлари номзоди, доцент*

## ҲАДИСЛАРДА ЯШАШ МОТИВИНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Ҳадиси шарифларда яшаш, яъни ҳаётни давом эттириш билан боғлиқ айрим мотивлар, хусусан, очлик, чанқаш, чарчоқ, совуқ ва иссиқдан сақланиш кабилар ўз ифодасини топган. Расулуллоҳ (с.а.в.): *«Одам боласининг яшаши учун бир уй, авратини ёпадиган бир кийим-бош, нон ва сувдан бошқа нарсаларга эҳтиёжи йўқ»*, – деганлар (Термизий, Аҳмад, Ҳоким). Бошқа ҳадисда Расулуллоҳ (с.а.в.): *«Мусулмонлар шу ўтлоқ ва оташда шерикдирлар (муштаракдирлар)»,* – деганлар (Абу Довуд, Ибн Можа, Аҳмад).

Муставрид ибн Шаддод Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг: «*Ким ишласа бир аёлга уйлансин. Хизматчиси бўлмаса, хизматкор олсин. Бошпанаси бўлмаса уй олсин»,* – деганларини эшитганлар (Абу Довуд).

Бу ҳадисларда инсоннинг табиий эҳтиёжлари хусусида сўз юритилади. Инсон очлик мотивини енгиш учун овқатга, чанқоқни қондириш учун сувга, ўта совуқ (иссиқ) ва ёмон об-ҳаводан сақланиш учун уйга эҳтиёж сезади. Шунингдек, уй уни душман ва йиртқич ҳайвонлардан сақлайди. Шу билан бирга уй инсон ишдан чарчаб келиб хордиқ чиқарадиган маскан ҳисобланади.

Инсон авратини ёпиш, иссиқ ва совуқдан сақланиш учун бош-кийимга муҳтожлик сезади. Шунингдек, у ўзида совуқдан сақловчи, кундалик юмушларни бажариш (м:

овқатларини пишириш) учун зарур бўлган асбоблар, ўзини ҳимоялашга ёрдам берадиган қурол-яроғларни яратишга нисбатан эҳтиёжга эгаликни намоён қилади.

Инсонлар ва ҳайвонлар физиологик эҳтиёжлар борасида ўхшаш жиҳатларни намоён қилади. Ҳадисларда мусулмонлар ўтлоқларининг бир эканлиги таъкидланган. Зеро, туя ва моллар шу ўтлоқларда ўтлайди. Ўтлоқ билан бирга сув ва олов ҳам қайд қилинган. Бу уч нарса Арабистон ярим оролида истиқомат қиладиган кўчманчи қабилалар ҳаётининг муҳим элементи, зарур воситалари саналган. Юқоридаги келтирилган учинчи ҳадис чарчоқ мотиви хусусидадир. Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг: *«Хизматчиси бўлмаса, хизматкор олсин»,* – деган сўзлари кишининг бир ўзи томонидан юмушларнинг бажарилиши қийин кечишини, бу борадаги эҳтиёжларининг қондирилиши учун кўп вақт талаб қилинишини англатади.

Таъкидлаб ўтилганидек, физиологик мотивлар инсон танасида органик ва кимёвий мувозанатнинг бузилиши натижасида юзага келадиган ҳолатлар (касалликлар, м: қонда витаминларнинг камайиб кетиши, тўқималарда сув мувозанатининг бузилиши кабилар)нинг олдини олиш, уларни даволашга бўлган интилишнинг моҳиятини ёритишга хизмат қилади. Психологик-физиологик тадқиқотларда мазкур ҳолат «ҳаётий мувозанат» («homeostasis») тушунчаси орқали ифодаланади. Инсон ёки ҳайвон танадаги мувозанат бузилишини бартараф этишга уринади, вужуд мувозанатни қайта тиклаш учун курашади. Шу сабабли америкалик машҳур физиолог Вольтер Каннон тананинг ҳаётий мувозанатни тиклаш учун курашиши замирида қандайдир ҳикмат мавжуд, деган фикрни илгари суради.

*«Расулуллоҳ (с.а.в.) бир хаста кишини зиёрат қилдилар. Нима егиси келаётганини сўраганларида буғдой нони (бошқа ривоятда ширинлик) деб жавоб беради. Расулуллоҳ (с.а.в.) кимда кулча нон бўлса олиб келишини айтадилар. Кейин: «Кимнинг яқини касал бўлса, егиси келаётган нарсасини едирсин», – деди*лар».

«Расулуллоҳ (с.а.в.) бир касал кишини кўргани бордилар. *«Нима хоҳлайсан?»* деганларида «Ширинлик», – деди. Расулуллоҳ (с.а.в.): *«Ҳозир»,* деб, айтганини келтирдилар» (Ибн Можа). Ушбу ҳадислар Аллоҳ томонидан тирик мавжудот танасининг мукаммал яратилганлигига ишора қилади. Инсон ёки ҳайвоннинг организмида танқис моддани истеъмол қилишга нисбатан эҳтиёж юзага келади. Организмнинг бу хусусияти XX аср бошларида Вольтер Каннон томонидан тирик мавжудот танасидаги ҳаётий мувозанатнинг қайта тикланиши (homeostasis) жараёнини ўрганиш йўлидаги изланишлар натижасида кашф этилди. Ибн Жавзийя ўзининг «ат-Тиб ан-Набавий» асарида Расулуллоҳ (с.а.в.) томонидан айтилган: *«Кимнинг яқини касал бўлса, егиси келаётган нарсасини едирсин»*, – ҳадиси беморнинг ўзи ейишни истаган неъматнинг истеъмол қилиши унинг саломатлигини тикланишида фойдали эканлигига ишорадир. Бинобарин, инсон танаси бу нарсага эҳтиёж сезади ва унинг истеъмоли билан саломатлик муайян даражада тикланади, дейди.

Яшаш мотивларидан яна бири истеъмол қилинган овқатнинг ҳазмидан кейинги чиқитларнинг организмдан чиқариб юборишга бўлган эҳтиёждир. Зеро, инсон танасидаги чиқитлардан ўз вақтида қутилмаса организмида ноқулайлик юзага келиши, саломатлик ёмонлашиши мумкин. Расулуллоҳ (с.а.в.) томонидан эътироф этилиб, ҳожатдан сўнг айтилиши жоиз бўлган ушбу дуо овқат ҳазмидан кейин чиқитларнинг организмда қолиши саломатлик борасидаги муаммога сабаб бўлишига ишора қилади: «*Мендан азиятни кетказган ва соғлик берган Аллоҳга ҳамд бўлсин*» (Ибн Можа).

Ушбу ҳадис орқали инсоннинг яна бир ички туйғу (мотив)га нисбатан эҳтиёжи баён қилинади. Физиологик нуқтаи назардан ҳар бир инсон муайян вазиятларда қийинчиликларга дуч келади. Бу вазиятда мавжуд қийинчиликка нисбатан инсон организми (танаси) ҳам физиологик моҳиятга эга ҳолатларни намоён қилади. Бу ҳолатлар торлик, танглик, инсон томонидан чорасизликнинг ҳис қилиниши, безовталик ва сиқилиш кўринишида акс этади. Организмнинг қайд этилган бу каби физиологик ҳолатлари моҳиятан салбий саналади ва улар танада у ёки бу турдаги касалликларнинг пайдо бўлиши, ривожланишига сабаб бўлади. Бу жараённинг олди эса қувониш, севиниш орқали олинади. Зеро, инсон қувонганида, севинганида безовталик ва сиқилиш чекинади, руҳий хотиржамликка эга бўлади. Шу сабабдан ҳам Расулуллоҳ (с.а.в.) танада безовталик, ноқулайликни келтириб чиқарадиган

овқат ҳазмидан кейинги чиқитлардан халос бўлиб, хотиржамликка, руҳий тетикликка эришиш имконини берганлиги учун Аллоҳга ҳамду сано айтганлар.

Очиқиш, қўрқув ва ҳаяжон ҳолатлари ҳам инсон ҳаётида муҳим аҳамиятга эга. Инсон умри давомида ўзини очлик муаммосидан қутқариш, борлиқдан улуш ажратиб олиш учун тинмай ҳаракат қилади. Шунингдек, қайғу ва аламга сабаб бўлувчи ўлим қўрқувидан халос бўлиш, роҳат ва фароғатда яшаш учун барча имкониятини ишга солади. Қуръонда инсон ҳаётида муҳим аҳамият касб этадиган очлик эҳтиёжи ва ўлим қўрқуви ҳақида шундай дейилади: **«Сизларни бироз хавф-хатар, очлик (азоби) билан, молу жон ва мевалар (ҳосили)ни камайтириш йўли билан синагаймиз. (Шундай ҳолатларда) сабр қилувчилага хушхабар беринг (эй, Муҳаммад)!»** (Бақара, 155).

**«Аллоҳ бир шаҳарни (Маккани) мисол келтирур: у тинч, сокин (шаҳар) эди, ҳар томондан ризқи кенгу мўл келиб турар эди. Бас, у (аҳолиси) Аллоҳнинг неъматига ношукурлик қилгач, Аллоҳ унга (аҳолисига) бу «ҳунарлари» сабабли очлик ва хавф либоси (балоси)ни «тотиш»га мажбур этди»** (Наҳл сураси, 112).

Аллоҳ Қурайш қавмига очликдан қутилиш ва қўрқувдан омон сақланиш неъматларини берганлигини эслатиш орқали очлик ва қўрқувнинг инсон ҳаётида муҳим аҳамиятга эгалиги таъкидланмоқда. Аллоҳ: **«Мана шу Уй (Каъба)нинг Парвардигорига ибодат қилсинлар! Зеро, (У) уларни очликдан (қутқариб тўйдирди) ва хавф (ва хатар)дан хотиржам қилди»** (Қурайш, 3-4).

Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳам очлик ва қўрқувнинг инсон ҳаётидаги ролига ишора қилиб: *«Ким қавми ичида тинч-тотувликда, тани жони соғликда тонг оттирса, олдида кундалик егулиги бўлса, дунё айнан шунга берилибди»*, -деганлар (Термизий).

Бу ҳадис орқали инсон ҳаётида очлик ва қўрқувдан омон сақланишнинг аҳамияти, шунингдек, тананинг соғлиғи, жоннинг омонлиги муҳим эканлиги кўрсатилмоқда. Очлик ва қўрқувдан сақланиш, тананинг саломат бўлиши инсоннинг дунё саодатига эришганлигини тасдиқловчи ҳолатлардир. Агарда киши ўзи мансуб бўлган жамоа ичида тинч, тотув, қўрқувсиз, кунлик егуликларга эга, саломат кун кечираётган, очлик, қайғуни ҳис қилмаётган бўлса, у энг бахтли инсонлардан саналади.

Расулуллоҳ (с.а.в.) организм учун кислороднинг зарурати (нафас олиш эҳтиёжи) ҳақида ҳам тўхталганлар. Бу ҳақдаги ғоялар ейиш, ичишда исрофгарчиликка йўл қўймаслик, очлик ва чанқаш эҳтиёжларининг келиб чиқишига оид ҳадисларда баён қилинган. Ҳадисларда нафас олишнинг очлик, чанқаш эҳтиёжлари билан бирга тилга олинганлиги инсон организми учун кислороднинг аҳамиятли эканлигига ишорадир. Расулуллоҳ (с.а.в.): *«Одам боласининг қорнидан кўра кўпроқ тўлдирадиган жойи йўқ. Инсон боласига, овқатни белигача тўлдиришнинг ўзи етарлидир. Агар овқатланса, қорнининг учдан бирини овқатга, учдан бирини ичимликка ва яна учдан бирини нафас олиш учун қолдирсин»,* – деганлар (Термизий, Аҳмад Ҳоким).

Ушбу ҳадисда кўп ейиш, ичиш оқибатида меъданинг тўлиб қолиши, натижада жигарга оғирлик тушиши, нафас олишнинг қийинлашиши таъкидланмоқда. Қайд этилган ҳолатлар инсон соғлиғи учун зарарлидир. Шу сабабли Расулуллоҳ (с.а.в.) инсонни осон ва қулай нафас олишга, ўзи учун зарур ҳавони ютиши учун кўп еб, ичмасликка чақирганлар.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак ислом манбаларида инсоннинг яшаши учун зарур маълумотлар қайд этилганки, ҳозирги кунда ҳам улар ўз мавқеини йўқотмаган ҳамда соғлом турмуш тарзи учун керакли маълумотларни олиш мумкин.

# МУНДАРИЖА

Сўз боши........................................................................................................................................................... 3

**БИРИНЧИ ШУЪБА. ДИНЛАРАРО ТОТУВЛИК ВА БАҒРИКЕНГЛИК**

**З.Исломов.** X-XII асрлар Хоразм илмий муҳитининг шаклланишида Маҳмуд Замахшарий илмий мактабининг ўрни.................................................................................................................................................... 4
**Н.Юсупова.** Ёшлар ўртасида радикализмни олдини олишда жаҳолатга қарши маърифат билан курашнинг аҳамияти ............................................................................................................................................... 6
**Д.Раҳимжонов.** “Мадина Саҳифаси”нинг конфессиялараро муносабатларни ўрнатишдаги ўрни......................... 9
**З.Ўлмасхўжаев.** Ўзбекистоннинг радикализм ва диний экстремизмга қарши курашиш бўйича ўзига хос тажрибаси ..................................................................................................................................................... 11
**محمد أيمن بن عبد الوهاب الزهراوي**
المناهج وأساليب التدريس الدينية ودورها في تنمية حب الوطن............................................................................................... 14
**F.O.Qo‘ysinova.** Davlat va jamiyat xavfsizligiga radikalizmning salbiy ta’siririni oldini olish muammolari ................ 18
**Ф.Холмўминов.** Радикаллашув ва экстремизмга қарши кураш борасида хорижий давлатлар тажрибаси........... 20
**Hülya Alper.** Globelleşen dünyada islam: dijitalleşmenin ve görselliğin baskinliğinda anlamin yitimi sorunu ............. 22
**عبدالحکیم شرعی جوزجانی**
گلوبالیزم و اسلامی قدریتلر کیله جگی........................................................................................................................ 24
**Ж.Тохиров.** “Сифатлар” борасидаги баҳсларнинг тарихий жиҳатлари ........................................................... 27
**Б.Н.Валиев.** Оммавий ахборот воситаларининг номусулмон халқларда исломофобия шаклланишига таъсири 30
**Hakan Atalay, Mine Demirbilek.** Türkiye’deki araştirmalarda selefilik kavramina farkli yaklaşimlar ........................ 35
**S.Saidjalolov.** Yoshlar ongini virtual tahdidlardan himoya qilish omillari..................................................................... 38
**Р.Б.Садриддинова.** Глобализация и ислам в эпоху возрожения........................................................................... 40
**M.I.Yodgorov.** Hadislarni to‘g‘ri tushunish uchun muhim bo‘lgan normalar................................................................ 44
**O.Xurramxojiyev.** Diniy bag‘rikenglikning bugungi kundagi ahamiyati ......................................................................... 45
**G.Ismoilova.** Globallashuv va milliy qadriyatlar................................................................................................................ 47

**ИККИНЧИ ШУЪБА. КОНФЕССИЯЛАРАРО МУЛОҚОТ: ЎТМИШ, ҲОЗИР ВА КЕЛАЖАК**

**Н.Юсупова.** Ўзбекистон Республикасида конфессиялараро мулоқотнинг бугунги кундаги ривожи.................. 50
**Ў.Ҳасанбаев.** Радикализм ва экстремизмга қарши курашда ислом ташкилотларининг ўрни............................... 52
**Ш.Зиёдов.** Мусулмон жамоасида конфессиялараро мулоқот ва жаҳолатга қарши маърифат .............................. 56
**Д.А.Рахимбоева.** Ёшларга миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик масалаларини сингдириш омиллари58
**Ш.Жўраев.** Муҳаммад Шайбонийнинг ислом ҳуқуқи халқаро муносабатлари ривожидаги аҳамияти ................ 60
**A.Hakimov.** Diniy bag‘rikenglik tinchlik garovi................................................................................................................. 63
**О.Қориев.** Фарғона фиқҳ мактаби алломалари асарларида диний бағрикенглик, илм ва маърифат масалалари.....
**Р.Б.Матибаева, Л.К.Рысбекова.** Ислам и христианство: истоки и взаимовлияние (на примере книги Усама ибн Мункыз «Книга назидания») ............................................................................................................................. 68
**R.Hamroqulova, O.Mahmudova.** Diniy bag‘rikenglikning hozirgi davrdagi ahamiyati.................................................. 71
**أحمد سعد إبراهيم عبد الرحمن عثمان الدمنهوري**
منهج الدعوة في القرآن وتأسيس التعايش السلمي .................................................................................................................. 74
**О.Эрназаров.** ИТХЭВОН – Кореядаги мусулмон ва ғайримусулмонлар симбиози маркази................................ 80
**M.Niyozova.** Rossiya Federatsiyasida musulmon jamoasining roli va pravoslav konfessiyasi bilan munosabati........... 81

**УЧИНЧИ ШУЪБА. ИСЛОМ ИЛМЛАРИГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАР**

**Д.Мақсудов.** Тафсир соҳасидаги муносабат илми ......................................................................................................... 84
**Ahmet Özel.** Türkiye Diyanet Vakfi Islam Araştirmalari Merkezi (ISAM) ve Islam Ansiklopedisi ............................. 89
**Sh.Akmalov.** Markaziy Osiyo allomalarining sivilizatsiya rivojiga qo‘shgan hissasi....................................................... 92
**А.Муминов.** Классицизм и постклассицизм .................................................................................................................. 95
**Х.Сагдиев.** Рус ёзувчилари ижодида ҳадис ҳақида ..................................................................................................... 97
**Д.М.Муратов.** Ҳадисларда яшаш мотивининг ифодаланиши.................................................................................. 100
**Н.Н.Тўраев.** Ровийлар тўғрисидаги асарларнинг ҳадис илмида тутган ўрни ......................................................... 103
**Р.К.Адыгамов.** Междисциплинарные подходы в исследованиях истории богословия: на материале диссертации «Богословско-правовая мысль татар Поволжья и Приуралья в конце XVIII – начале XX в.: история развития и тенденции обновленчества в мусульманской умме»..................................................................................................... 105
**А.Пардаев.** “Рисола фил эътиқод” асарининг ақидавий масалалар ечимидаги аҳамияти ....................................... 115
**Н.А.Валиева.** Тошкент шаҳрини ислом маданияти пойтахти сифатида эълон қилиниши омиллари ................. 119
**Қосим Абдулло Мирабзал ўғли.** Абу Бакр Ҳаддод шахсияти ҳамда бу борада олиб борилган илмий изланишлар..................................................................................................................................................... 121
**Р.Исакджанов.** Мусулмон фалсафаси ва теологиясида билиш................................................................................ 124
**М.Исмоилов.** Муташобеҳ оятларни тушунишда уламолар иттифоқ қилган масалалар ........................................ 127
**М.Ходжаева.** Шарқ мутафаккирлари меросида мусиқага бўлган қарашлар............................................................ 130
**Y.Palvannazirova.** Shayx Muhammad Sodiq Muhammad Yusufning ilmiy-ma’naviy merosini o‘rganish................ 133

**F.Abdujabborova.** Modern islamic studies in Great Britain ........ 134
**Т. Рўзиев.** Усмон Ўшийнинг “Бадъ-ул амолий” асари ва унинг ўзига хос жиҳатлари ........ 136
**A.Saydaliyev.** Ziyovuddinxon ibn Eshon Boboxonning Markaziy Osiyoda islom qadriyatlari rivojidagi o‘rni ........ 138
**Д.Муратов.** Ибн Манданинг ҳадис илмига қўшган ҳиссаси ........ 140
**N.Z.Saydullayev.** Shayx Muhammad Sodiq Muhammad Yusuf asarlarining o‘lka aholisining ilmiy salohiyatini oshirishdagi o‘rni ........ 142
**M.Abdupattayev.** Abul Fath Shahristoniy mufassir sifatida ........ 144
**Ш.Умаралиев.** XII-XIV асрларда Фарғона водийсида илмий-маданий муҳит ........ 146
**M.Begimov.** Ushur, unutib borilayotgan moliyaviy ibodat ........ 149

## ТЎРТИНЧИ ШУЪБА. ИСЛОМ ТЕОЛОГИЯСИ

**И.Абдурахмонов.** Алоуддин Самарқандийнинг “Шарҳ ат-таъвилот” асарида “Фотиҳа” сурасининг ёритилиши153
**Т.Хатамов.** Тасаввуфга оид тадқиқотларда Хожа Аҳмад Яссавий меросининг ўрганилиши ........ 156
**М.М.Хайдаров.** Важность сотрудничество центров по изданию фетв у тюркских народов: проблемы и пути их решения ........ 160
**И.И.Бекмирзаев, Р.А.Султанов.** XVII асрда Ҳиндистонда фалсафий-тасаввуфий фикрлар ривожи ........ 161
**Х.М.Алимов.** Азизиддин Насафийнинг “Уруж ва нузул” концепцияси ва унинг психологик мазмуни ........ 167
**Ж.Тохиров.** XIV-XV асрлардаги Мовароуннаҳрлик олимларнинг калом илмига оид асарлари хусусияти ........ 169
**Н.М.Тўйчиева.** Қаландарийлик тариқатида комилликнинг асл моҳияти ........ 173
**Г.Худойберганова.** Исломнинг илк даврларида зуҳд (аскетизм)га оид асарлар таҳлили ........ 174
**Ж.Содиқов.** Имом Мотуридий тафсирида даҳрийлик ва мулҳидлик тушунчалари таҳлили ........ 177
**Н.М. Юлдашев.** Традиции и современность решения социальных проблем в исламе: экономический аспект 180
**Н.К.Турабоев.** Абул Ҳусайн ал-Қудурийнинг амалий мунозараларда тутган ўрни ........ 181
**Х.Мадалиева.** Ҳажар ул-Асвад – мўътабар қора тош феномени ........ 184
**G.Q.Salimova.** Markaziy Osiyoda bahs-munozara odobi shakllanishi va unda mutafakkirlarning o‘rni ........ 186
**Х.Н.Усманова.** Шайх Хованди Тоҳур асарларида ижтимоий муаммоларнинг ёритилиш масалалари ........ 188
**Ш.Б.Халилов.** Исломда фатво тушунчаси ва унинг тарихи ........ 191
**Н.К.Турабоев.** Қудурийнинг ҳадис илмидаги салоҳияти ........ 193
**У.Абдувалиев.** Ёшлар келажагимиз эгалари ........ 194
**К.Маҳмудов.** Мулла Алий ал-Қорий раҳматуллоҳи алайҳнинг ҳаёти ва илмий фаолияти ........ 197
**T.L.Mukaramov.** Xorijiy mamlakatlar sug'urta bozori tizimida islom takofuli masalasi: qiyosiy xususiyatlari va imkoniyatlari ........ 199
**S.Nabijonov.** Zakotning jamiyat rivojidagi ahamiyati ........ 203
**Ш.Б.Сетирзаев.** Ислом динида каломнинг ўрни ва Сўфи Аллоҳёрнинг “Махзанул-мутеъин” қўлёзмасида ақида масалаларининг ёритилиши ........ 206
**D.M.Sulaymanov.** Abu Hanifaning e’tiqodiy qarashlari borasida ko‘tarilgan bahslardan lavha ........ 209
**М.Турсунов.** Взаимодействие духовных управлений мусульман Центральной Азии в издании фетв ........ 212
**O.Egamov.** Globallashuv va islom dini ........ 215
**O.F.Abdullayeva.** Imom Moturidiyning “Ta’vilot al-Qur’on” asari ........ 216
**M.I.Yodgorov.** Hadislarni to‘g‘ri tushunish uchun muhim bo‘lgan normalar ........ 218
**A.A.Djumaboyeva.** Hadis ilmida tabaqot janrining ahamiyati va Ibn Sa’dning “Tabaqot al-kubro” asari ........ 220
**M.B.Karimov.** Islomda ehson va sadaqa masalasi ........ 222
**I.M.Mamarailov.** Mavlaviy Hindistoniy hayot yo‘li ........ 225
**М.Мирахмадова (Рашидова).** Ислом оламида зуҳдга муносабат ........ 227
**A.Muhamedova.** Dinlardagi ramzlar tushunchasi ........ 229
**R.Rasulova.** Hadislarni ishonchliligini aniqlashda roviylarni o‘rganishning ahamiyati ........ 231
**Р.Саидханбалова.** Имом Абу Ҳанифанинг ҳадисдан фойдаланиш услублари ........ 233
**H.F.Habibullayeva.** Tasavvufiy-ishoriy tafsirlar va ularga qo‘yiladigan shartlar ........ 235
**M.Hasanov.** Sunniylik mazhablarining shakllanishida ijtihod tushunchasining o‘rni ........ 238
**Sh.Cho‘lponov.** Hanafiy mazhabi taraqqiyotida urfning ahamiyati ........ 240
**О.Икромбеков.** Абу Сулаймон Жузжоний ва унинг илмий мероси ........ 243
**С.Абдуллаев.** Рукниддин Убайдуллоҳ Самарқандий ҳаёти ва унинг ислом илмлари ривожига қўшган ҳиссаси ........ 246
**Н.Тўраев.** Имом Бухорийнинг “ат-Тарих ал-кабир” асарида ровийлар таъдилига оид метод (саботли ровийлар мисолида) ........ 249
**M.Niyozova.** Abul Barakot Nasafiyning “Umdatul aqoid” asari – aqida ilmidagi asosiy manbalardan biri ........ 252
**И.Х.Бердияров.** Алоуддин Косонийнинг “Бадоиъус саноиъ” асарида музораба битимига доир масалалар ........ 253
**А.Аллоқулов.** Абу Ҳафс Насафийнинг илмий мероси ........ 256
**И.Д.Насриддинзода.** Ҳусомуддин Садр Шаҳиднинг “ал-Воқеъот” асарида келган масалаларнинг глобаллашув жараёнидаги аҳамияти ........ 259

**Ўзбекистон халқаро ислом академияси**
**Исломшунослик ва ислом цивилизациясини ўрганиш**
**ICESCO кафедраси**

# «ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ИСЛОМНИ ТУШУНИШ МУАММОЛАРИ»

**мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари**
**ТЎПЛАМИ**
**II-III**


**Масъул муҳаррирлар**
Фил.ф.д., проф. З.М.Исломов, PhD М.М.Ҳайдаров

**Тузувчи:**
PhD С.Саиджалолов

**Нашриёт муҳаррири**
Ш.Сайдалиев

**Техник муҳаррир**
М.Юсупова

"HILOL MEDIA" НАШРИЁТИ

5497

Мурожаат учун телефон:
+998-90-174-01-64

Босишга берилди: 20.12.2023 йил. Босишга рухсат этилди: 28.12.2023 йил.
Бичими 60x84/8. Times гарнитураси. Ризографда рақамли усулда офсет қоғозига чоп этилди. Ҳисоб босма табоғи 30.80 б.т. Нашриёт босма табоғи 36.75 б.т.
Адади 100 дона. Буюртма №31.
Баҳоси шартнома асосида.